

Шукур Холмирзаев Ижодида Миллий Хусусиятларни Акс Эттирилиши

Баратова З. К.¹

Ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири ёзувчи Шукур Холмирзаев асосан ҳикоянавис сифатида машҳур бўлди. Жаҳон адабиётидаги назарий қарашларни чуқур ўзлаштирган адиб бошқалардан ўрганганларини ўзининг ижодида маҳорат билан қўллаб билди. Ёзувчи асарларида услубий янгиликларга интилишни ҳам, шаклан бетакрорликка қизиқишни ҳам учратамиз. Адиб орамиздаги оддий кишилар тасвирини яратсада, бундан муҳим умумлашмалар, чин ҳаётий хулосалар чиқаради. Шу боис Шукур Холмирзаев асарларидаги қаҳрамонларнинг жонли, ишонарли тасвири китобхонни ўзига ром этади.

Ёзувчи ўзининг бир суҳбатида: «...ўтмишу ҳозирги замон адабиёти – ёзиш усуллари бир қадар ўрганиб, ўз йўлимни топиш устида кўп ўйладим. Сизга очик айтаман, асарларим баъзиларга манзур бўлмаган эсада, умримнинг кўпи ана шу асарларни қандай ёзиш кераклиги устида кечди. Мен бундан сира ўкинмайман. Зероки, ҳозир ҳам ўзимни изланишда деб биламан. Кунора услубимга қўшиш имкони бор бўлган битта-яримта янгилик топаман. Бу изланиш ҳатто нуқта, вергулни қаерга қўйиш борасида ҳам бўлади»¹, – деган эди.

Дарҳақиқат, умри давомида изланишда бўлган Шукур Холмирзаевнинг миллатсуярлиги, ватанпарварлиги, Сўзга, Адабиётга бўлган садоқати ҳар бир асарида намоён бўлади. Миллат деган тушунчани ғоят кадрлаган ёзувчи у билан боғлиқ масалаларнинг катта-кичиги, муҳим-номуҳими бўлмаслигини таъкидлаб, ўз асарларида миллий руҳиятни чуқур, ишонарли ифодалай билди.

Адибнинг инсонни тасвирлашдаги маҳорати, унинг кечинмалари, дарду кайғуси, шодлигу завқини кўрсатиб бера олиш иқтидори адиб ижодига ҳаётийлик бағишлаган ва пировардида бу хусусият Шукур Холмирзаев асарлари яшовчанлигининг асосий сабабларидан бирига айланган. Ёзувчи кишилар ҳаётидаги зоҳиран кўринмас, аммо ботинан катта таъсир кучига эга бўлган миллий ва маҳаллий кадриятлар, анъаналарни ҳам ўз асарларида кўрсатиб беради.

Холис тасвирлаш – қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини унинг ички дунёси – фикрлаши, эътиқоди, урф-одатларга муносабатидан келиб чиқиб ифодалаш – Шукур Холмирзаев ижодининг муҳим жиҳатларидан биридир. Адиб қаҳрамонлари тасвирида ҳаёт ҳақиқатига зид ўринларга йўл қўймайди, ҳар бир персонажни «ўзига ўзи жавобгар» тарзида кўрсатади.

Умуман, ўзбек адабиётининг етук намоёндаси Шукур Холмирзаевнинг истиқлол даврида яратган ҳикояларида миллий руҳиятнинг акс этиши юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

- Шукур Холмирзаевнинг истиқлол мавзудидаги асарларида муаллифнинг Инсонга ёндашувидаги ўзига хослик: объективлик, Инсонни тушунишга ҳаракат қилиш, холисликдан чекинмаслик каби жиҳатлар янада очикроқ намоён бўлишлигига амин бўлдик;
- Адиб қаҳрамонларининг руҳиятини тасвирлар экан, миллий дунёқарашга мос келмайдиган ўринларга йўл қўймайди, натижада ёзувчининг асарларида миллий руҳият ифодаси қаҳрамонларнинг ишонарли, жонли чиқиши учун асосий омил вазифасини ўтаганлигини кузатдик;
- асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари ва феъл-атворини уйғунлаштиришни талаб этувчи психологик асослаш айни пайтда ижодкорнинг маҳоратини ҳам кўрсатади. Сўзга, адабиётга, ҳақиқатга нисбатан қатъий турумига қарши бормаган ёзувчи Шукур Холмирзаев ўз қаҳрамонларининг ишонарли, рост чиқишини таъминлаш учун уларнинг ҳаракатларини ҳар жиҳатдан асослаганлигини ўргандик.
- ёзувчи истиқлол арафасида ва мустақиллик йилларида ёзган асарларида адабий қаҳрамон концепциясига муносабатини янада қатъийлаштиргани сезилади. Чунончи, адибнинг шўролар замонида «босмачилик ҳаракати» дея қораланган, мустақиллик даврида «миллий истиқлолчилик кураши» деб ном олган 20-асрнинг илк чорагида юртимизда кечган долғали воқеалар тўғрисидаги «Табассум», «Қора камар», «Қил кўприк» каби асарларида Инсонга холис баҳо бериш тамойили кўзга ташланади. Ёзувчи қаҳрамонларни атай кўкка кўтариб мактамайди, шу билан бирга уларнинг нуқсонларидан ҳам кўз юммаслигига амин бўлдик □

¹ Мустақил тадқиқотчи

- миллийлик қаҳрамоннинг, аввало, руҳияти – ўйлаш, фикрлаш, муносабат билдириш тарзида ва шунга мувофиқ гап-сўзи, хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбек характери», «Наврўз, Наврўз» сингари асарлари қаҳрамонларнинг ички олами ҳам, ташқи шамойиллари ҳам ўзбеконадир. Муҳими шундаки, миллатнинг кадрият сифатида барқарорлашган маънавий таянчларини сунъий йўл билан йиқитиш мушкулдир, зотан, айни маънавий устунларгина миллатнинг миллатлигини таъминлайди. «Мангу йўлдош», «Наврўз, Наврўз», «Ўзбек характери» каби ҳикояларда муаллиф миллатнинг табиатида «афсонавий инстинкт» сингари яшаётган кадриятлар тасвирини яратганлигини таҳлил қилдик □
- мустақилликка эришилгандан сўнг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар миллатимизнинг маънавиятида қатор янгиланишларни содир этди. Жумладан, баъзи одамлар тўсатдан содир бўлган янгиликларга дарров мослашолмай, тушкун кайфиятга тушган бўлса, бошқа тоифадаги кишилар демократияни, эркинликни бошбошдоқлик тарзида қабул қилди. Учинчи турли инсонлар бўлса ҳар қандай ижтимоий шароитда ҳам мавжуд имкониятлар доирасидаги ишлашни афзал биладиганлардан иборат эди.

Қизиғи шундаки, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга муайян даражада мослашгани ҳолда кишиларнинг маънавий мезонлари ҳам бу борада бутунлай изсиз кетмайди. Шукур Холмирзаевнинг «Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди...», «Озодлик», «Қадимда бўлган экан...» ва бошқа ҳикояларида мана шундай кайфиятдаги миллатдошларимизнинг ҳаққоний бадиий талқинига дуч келамиз □

- ўзбек миллати жамоавийликка интилиб яшайди, унинг табиати кўп билан кенгашиб иш қўришга мойил. Ўзбеклар учун элдан чиқиш, кўпчиликдан ажралиб қолишдан ёмони йўқ. Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбек характери», «Ўзбек бобо», «Озодлик» каби ҳикояларида ана шу жиҳатлар ёрқин гавдалантирилади □
- маълумки, одам руҳиятига хос асл жиҳатлар экстремал, фавқулодда ҳолатларда яққолроқ намоён бўлади. Бошқача айтганда, киши қалтис вазиятларда аслидагидай – турли «қолиплар»га, «шакллар»га кирмай, мослашмай, борича кўринади. Сабаби шошқинч ҳолатларда кишининг мулоҳаза юритишга, мушоҳадага имкони бўлмайди. Шу боис ҳам жамиятда ижтимоий вазият кескин ўзгарганда турли хил кайфиятдаги инсонлар аниқроқ кўзга ташланади, бундай паллаларда барқарор вақтдагига қараганда кишилар воқеа-ҳодисаларга тезроқ муносабат билдирадилар. Адибнинг «Бир гузар одамлари» ҳикоясида миллатдошларимизнинг фавқулодда вазиятларда ички дунёсидаги ўзига хос, шу билан бирга миллатнинг умумий жипслигини таъминловчи меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, покдомонлик, ваъдага вафо қилиш сингари хислатларнинг ёрқинроқ акс этиши ифодаланса, «Арпали қишлоғида», «Бир кўрган таниш...» сингари асарларда эса ичидаги кечинмаларини ошқор этишдан кўра мавжуд маънавий мезонларга амал қилишни афзал кўрадиган андишали, ор-номусли кишиларнинг руҳияти ишонарли тарзда кўрсатилади.